E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

СИЧЖО – ҲАШАМАТДАН ТАБИАТ ҚЎЙНИГА ЧОРЛОВЧИ ЖАНР

Ирода Санъат қизи Тоҳирова
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

АННОТАЦИЯ: *Бу мақолада Кореяда Чосон (Ли) адабиёти даври (1392-1910)да пайдо бўлган "Сичжо" жанри ҳақида сўз боради. Бу жанр маълум бир ҳаяжон ва тажриба образига эга лирик жанр ҳисобланиб, у корейс фольклор анъаналарини ҳамда Узоқ Шарқ халқларининг учта диний-фалсафий таълимоти (Конфуцийлик, Буддавийлик ва Даосизм)ни ўзида мужассамлаштирган.*

Калит сўзлар:*Чосон, корейс адабиёти тарихи, корейс адабиёти, давр, шеърият, Сичжо жанри, жанр, наср.*

ABSTRACT*: This article provides information about the Sijo genre, which appeared in Korea during the Joseon (Li) period of literature (1392-1910). This genre is considered to be a lyrical genre with a certain excitement and experience image, and it incorporates Korean folklore traditions and three religious-philosophical teachings of the people of the Far East (Confucianism, Buddhism and Taoism).*

Key words: *Choson, history of Korean literature, Korean literature, era, poetry, Sijo genre, genre, prose.*

КИРИШ

Ҳозирги глобаллашув даврида хорижий тилларни ўрганишга бўлган талаб кундан кунга ўсиб бормоқда. Бу борада юртимизда ҳам бошқа тиллар каби корейс тили ва адабиётини ўрганувчилари сони кўпайиб бормоқда. Бунга сабаб Ўзбекистон Республикаси ҳамда Корея Республикаси ўртасида қатор соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилмоқда.

Барча соҳалардаги ҳамкорлик билан бир қаторда, илмий йўналишларда ҳам қатор ҳамкорлик дастурлари иш жараёнини бошлади. Ўзбек халқи адабиётида бўлгани каби, корейс адабиётида ҳам ўзининг адабий услуби ва миллий характерини акс эттирувчи асарлари жуда кўп. Уларнинг Хитой жанри билан уйғунлашган, мустақил ўз жанрини яратилиши, шеърий жанрда диний қарашларни акс этиши каби қатор жанрлари борки, уларни ўрганиш орқали ҳозирги кунда ўша даврлардаги адабий жанрлар хусусида маълум бир тушунчалар ҳосил бўлади. Бу жанрларни келиб чиқиши, уларнинг шаклланиш жараёнлари, сабабларини ўрганиш зарур вазифалардан саналади.

Корейс адабиёти тарихининг ривожланиш босқичлари уч даврни ўз чига олиб, Чосон (Ли) адабиёти даври (1392-1910) учинчи босқич сифатида эътироф этилади, бу босқичнинг ўзи ҳам уч даврни ўз ичига олади. Биринчи давр XV-XVI асрлар, иккинчи давр XVII-XVIII асрлар, учинчи давр XIX аср.

Корейс адабиётининг бу даври бўйича нафақат Кореянинг ўзида изланишла олиб борилган, балки Европа, рус ва ўзбек шарқшунослари қатор тадқиқотлар қилганлар. Жумладан, Корея тарихи ва маданияти бўйича Л.А.Андропова[1], корейс адабиёти бўйича тадқиқот олиб борган М.И.Никитина[2], А.Л.Жовтис, П.А.Пак Ир[3], М.В.Солдатова[4],

[1] Андронова Л.А. Культура Кореи. Ч.1. Томск: Изд-во Томского политехнического университета.2014
[2] Никитина М. И. Древняя Корейская поэзия в связи с ритуалом и мифом // М: Изд-во "Наука" – 1982. – 328с; Корейская поэзия XVI-XIX вв. в жанре сиджо: (Семантическая структура жанра. Образ. Пространство. Время). – СПб.: Центр «Петербургское Востоковедение», 1994. 312 с.
[3] Жовтис А.Л., Пак Ир П.А. Корейские шестистишия (сборник стихов корейских поэтов XIII-XIX веков). – Алма-Ата, 1956. с. 148
[4] Солдатова М.В. Становление национальной поэзии в Корее в первой четверти XX века. Владивосток: ДВГУ, 2004.-188 с.

В.Д.Баранников[5], Ли (Чосон) даври адабиёти бўйича И.В.Корнеева[6], Кореянинг илк давридан замонавий даргача тарихини ёритган С.О.Курбанов[7] ва В.М.Тихонов[8], ўзбек шарқшуносларидан В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пакларни қатор китоблари[9]да акс этган. Шунингдек, корейс адабиётидаги “хянга” ва “сичжо” жанрларида ёзилган шеърларни А.Ахматова, А.Л.Жовтис, Л.Н.Меньшиков, Н.Тимофеева томонидан рус тилига таржима қилинган. Корейс адабиётининг ушбу даври бўйича тадқиқотлар маҳсули бўлган китоблар кўп, лекин ҳали ўрганилиши лозим бўлган тадқиқотлар талайгина ва уларни ўрганиш ҳозирги кунда долзарб саналади.

МУҲОКАМА

XIV аср охирида Сарой тўнтариши натижасида мамлакатда Ли сулоласи (1392-1910) ташкил топди. Ли Сонг сулоласининг асосчиси Қадимги Чосон хотирасига ўз давлатини “Чосон” деб атаб, Сеул шаҳрини пойтахтга айлантирди. Минтақада вайрон бўлган жойларни қайта қуриш ҳамда Ли ва унинг ворислари Кореяда марказлашган давлатни тиклаш чораларини кўрдилар.

Корея тарихида XV аср миллий маданиятининг энг юқори гуллаш даври ҳисобланади. Бу даврда астрономия, география ва табиатшунослик каби фанлар энг ривожланган давр дейиш мумкин. Эрта Чосон (XV-XVI асрлари) - турли билим соҳаларида буюк ихтиролар ва кашфиётлар даври бўлди. 1403 йилда босмахона учун дунёда биринчи бўлиб, териш металл тури ихтиро қилинган бўлса, 1443 йилда корейс миллий ёзуви кашф этилди. Ушбу XV асрда яратилган икки кашфиёт алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Янги яратилган ёзувдан ҳукмрон синф вакиллари классик конфуцийлик таълимоти ҳамда буддавийлик таълимоти асосида ёзилган диний адабиётда ҳам корейс тилига таржима қилишда фойдаланишган. Бироқ ушбу алифбо яратилганига кўп вақт бўлмай, ундан мавжуд тузумга қарши бўлганлар ҳам қўллаганлар. Яна бу асрнинг ютуқларидан бири ноконфуцийлик мафкураси - “Чжуси” йўналиши кенг тарқалган.

XV-XVI асрларда корейс тилидаги шеъриятнинг янги жанрлари – “сичжо”, “каса”, “чан-сичжо” вужудга келди. Албатта бунга корейс ёзувининг шаклланиши имкон берди[10].

Сичжо икки иероглифдан иборат бўлиб, биринчиси “時 시”- “вақт”, иккинчиси “調 조” – жой деган, яъни ўрин ва вақт учун уч мисрадан иборат бўлган қўшиқларни англатади. Бу борада ўзбек шарқшунослари “Сичжо” ҳақида қуйидаги таърифни берадилар: “Сичжо ўн мисрали “хуангани” эслатади: унинг уч бандли тузилишини такрорлайди, учинчи – якунловчи қисмга, яъни шеърнинг оҳангига алоҳида катта эътибор беради. “Сичжо” шеъри ўқилмаган, балки чолғу асбоби жўрлигида ижро этилган”[11].

Келиб чиқиши жиҳатидан дастлабки “Сичжо” турини “қисқа сичжо” ёки “классик сижо” деб аташган. Сичжо одатда куй тури бўйича жойлаштирилар эди. Шу сабабли "қисқа сичжо” ҳатто “тонли сичжо” (пхёнсичжо-평시조) деб ҳам аталган. Бу жанрдаги шеър учта мисрадан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири икки ярим мисрага бўлинган (бу шеърни олти мисрага таржима қилишга асос бўлади) Ярим мисра икки устундан иборат.

[5] Баранников В.Д. Хрестоматия по литературе. М. 1996,с.250
[6] Корнеева И. В. Представления об образовании и учености в корейской литературе периода Чосон: 1392-1910. Автореф. дис. ...кан. фил. наук. – М.,2009
[7] Курбанов С.О. История Кореи с Древности до начала XXI в. [Электронный ресурс].
[8] Тихонов В.М. История Кореи. Т. 1. С древнейших времён до 1876 года. – М: Муравей, 2003, с. 373.
[9] В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак.Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010. – 192 б., Ким В.Н., Пак И.Л., Сайдазимова У.Т. Литература страны изучаемого языка (Корея): учебное пособие. - Ташкент, 2009.
[10] В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак.Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010. – Б. 82
[11] В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак.Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010. – Б. 82

Сичжодаги устун маълум чегаралар ичида ўзгариб турадиган, бир қатор бўғинларни ўз ичига олган семантик бирликдир. Корейсшуносликда сижонинг намунавий модели сифатида қуйидагилар қабул қилганлар:

3	4	3	4
3	4	3	4
3	5	4	3

Устунлардаги бўғинлар сони бирдан учгача ўзгарганда (учинчи қаторнинг бошланғич устуни уч бўғинли ўлчовсиз қолиши шарти билан) ва шунга мос равишда ярим мисра ва мисраларда шеърдаги бўғинлар сони каби ҳаммаси 45 га яқинлашади[12].

Сичжо жанрининг ривожланишини таҳлил қилинганида, сичжонинг шеърий мавзуси йиллар давомида қандай тарқалганини кўриш мумкин.

Эътибор қилинса, “Сичжо” жанрида ижод қилувчи муаллифнинг кимлиги, жамиятда қандай ижтимоий мавқега эгалигига боғлиқ бўлган. Агар XIV аср охиридан XVI аср бошларида асосан конфуцийлик тамойилига мансуб амалдорлари ва олимлари ушбу жанрда ижод қилган бўлса, кейинги даврларда корейс жамиятининг бошқа қатламлари вакилларини кўриш мумкин.

Л.А.Андронованинг фикрича, хитой тили шеъриятида бўлгани каби она тили шеъриятидаги сичжо инсониятнинг ички кечинмаларига мурожаат этади. Бу Чосон даври XVI асрда корейс адабиётида Хван Чини, Ли Керан каби аёл шоирларини ҳам номлари зикр қилина бошлаган[13].

Ватанни мўғул босқинчилари зулми ҳамда япон қароқчиларига қарши кураши Ли сулоласининг ўз мавқеига собит бўлиш даврига тўғри келган. Шу боис янги сулола вакилларини қўллаб қувватлаб, эски даврни қоралаш, ватанни ҳимоя қилган ҳолда тинчликка эришишга ундовчи шеърлар XV-XVI аср шеъриятининг бош мавзусига айланди. Шунингдек, XIX асрга қадар бу жанр ривожланиб, унда мамлакатнинг шимолий чегараларини кенгайиши, корейс қўшинининг ғалабалари мадҳ этилган. Бу даврда йирик давлат арбоби ва саркардалардан Ким Чон Со(1390-1453), Нам И(1441-1468). японлар устидан ғалаба қилинган Имжин уруши(1592-1598) ва ундаги ватан қаҳрамони Ли Сун Син (1545-1598) ҳақида қатор сичжо жанридаги шеърлар машҳур бўлган. Шунингдек, Ли Чи Ван, Пак Чхен Нён, Чон Чхол кабилар ҳам шеъриятда ўзларини намоён қилганлар.

Бу даврга келиб, корейс тилидаги шеърият мавзулари ҳилма-ҳиллиги билан ажралиб турган.

Мамлакатда бўлаётган драмматик воқеалар Сичжо жанрига мансуб. Ўша даврдаги сиёсий воқеалар, сулолалар алмашинуви албатта, зодагонларни икки гуруҳга ажралишига олиб келган. Корёдаги сулоланинг сўнги подшоҳига содиқ бўлганлар учун маданий қадриятлар “маънавий бошпана” вазифасини ўтаган. Бу сиёсий жараёнлар илк сичжода яратилган асарларда бўрттириб кўрсатилган.

XVI асрнинг атоқли шоири Чон Чхол (1537-1594) “Сонгян” (Қарағай ва дарё) тахаллуси билан машҳур бўлиб, унинг саксон иккита сичжоси бизгача етиб келган. Чон Чхол қаламига мансуб сичжо:

나무도 병이드니 정자라도 쉴이 없다
호화히 섰을때는 올이갈이 다쉬더니

[12] Никитина М. И. Корейская поэзия XVI-XIX вв. в жанре сиджо: (Семантическая структура жанра. Образ. Пространство. Время). – СПб.: Центр «Петербургское Востоковедение», 1994. – С. 3-4.
[13] Андронова Л.А. Культура Кореи. Ч.1. Томск: Изд-во Томского политехнического университета.2014. – С.126.

잎지고 가지 꺾은후는 새도 아니 앉는다[14]

Дарахт касал бўлганда,

Ҳеч ким унинг остида йўл бўйида дам олмаяпти,

Ва ҳар доим соғлом дарахт остида

Йўловчи соя ва бошпана қидирмоқда.

Аммо бу ерда у шохларсиз, баргларсиз ва энди қуш унга ўтирмайди.

Бу сичжода дарахт одам сиймосига қиёсланган. Ҳаёт: “Дарахт бир хил танадир. Унинг пўстлоғи терига, шохлари сочга ўхшайди. У гуллар ва мевалар билан хушбўй ва инсон каби эшитиш, кўриш, ҳис қилиш қобилиятига эга. Ва биз ҳаётнинг шафқатсиз қонунини қанчалик кўп ҳис қиламиз ... Чунки сичжода табиат тараннум этилган. Агар инсон соғ саломат бўлса, ҳамма учун хизмати тегади, касал бўлса, унда унинг фойдаси тегмаслигини, уни ҳеч кимга кераги йўқ сифатида дарахт образи орқали инсонни таърифини келтириб ўтган.

Кўриниб турганидек, оригинал матн таржимасида стилистикаси кўп фойдаланилмаган. Ниҳоясини “буюк якун” деб фараз қилишнинг ўзи етарли эмас. Бу шеърнинг асли ҳам ёркин стилистик кўринишга эга эмас. Шуни ҳисобга олиш керакки, сичжо мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этилгани боис, у асарга ифода, жозиба бера олган. Сичжо шеъриятида инсон ва табиат, жамият ва табиат икки ажралмас оламдир.

“Сичжо” – маълум бир ҳаяжон ва тажриба образига эга лирик жанр ҳисобланиб, у корейс фольклор анъаналарини ҳамда Узоқ Шарқ халқларининг учта диний-фалсафий таълимоти (Конфуцийлик, Буддавийлик ва Даосизм)ни ўзида мужассамлаштирган, 1392 йилдаги икки даврлар бўйида қироллик сулолаларининг алмашиш даврида бошига тушган нотинчликларга дуч келишга мажбур бўлган конфуцийлик таълимоти намоёндаларининг шеъриятдаги руҳий жавоби, ҳайқириғи эди. Туйғулар шеърда ижодиёт маҳсули сифатида намоён бўлади, чунки одам энди жим туролмайди. Улар ифодалаш шаклини билишлари керак эди. Ва албатта, бу ҳис сичжода энг яхши тарзда акс эттирилган:

이 몸이 죽어죽어 일백 번 고쳐 죽어

백골이 진토되여 넉시라도 잇고 없고

님 향한 일편단심이야 가실 줄이 이시랴[15]

Бу танага осмон томонидан ўлим ёзилган. Майли ўлай, юз бор ўлай,
Суяклар тупроққа айлансин, Ўлган жон танани тарк этар.
Аммо, ҳукмдорга бағишланган юрак, абадий қолади!

Қиролга садоқат мавзуси Корея тарихидаги драматик саҳифаларни очиб беради: XIII-XIV аср охирларида қироллик сулолаларининг ўзгариши, даврнинг таниқли вакилларининг таъқиб қилиниши, ҳокимият учун кураш бу сичжоларнинг бош мавзуси бўлди. Юқоридаги сичжода ҳам мана шу мавзу, яъни подшоҳга бўйсиниш, унинг буйруғини сўзсиз бажариш, садоқат мавзуси тараннум этилган.

[14] http://www.sjhik.com/technote/board.php?board=S02&page=9&sort=hit&command=body&no=168&PHPSESSID=4caae87e8e7784c17c7a9ce17c56d62f

[15] https://www.joongang.co.kr/amparticle/20016273

Шарқ халқлари маданиятларида дунёнинг табиат ва жамият оламига, табиий ва ғайритабиий бўлиниш ҳолати мавжуд эмас. Шунинг учун Шарқий дунёни идрок этиш учун дунёни “бир ва бошқа” ёки “ҳамма нарсада” бўлиш одатий ҳолат эмас – бу Узоқ Шарқ мамлакатлари маданиятининг асосий дунёқараш жиҳати. Инсон табиатнинг, инсон жамиятнинг бир қисмидир. Атрофдаги оламга нисбатан лирик қаҳрамоннинг ўрни шундай. Бу мафкуравий жиҳатнинг сижода мужассамлиги яққол намоён бўлади. Табиатга бундай ёндашув рус космизми файласуфлари ва рус “космик шоирлари”гагина хос бўлган.

“Кўл мактаби” шоирлари ҳокимият, бойлик ва мансабни рад этадилар, оддийликка интилишга чақирадилар, табиат тавсифи, дунё ташвишларидан узоқлашган одамнинг узлатланиш ҳаёти уларнинг севимли мавзусида бўлса, дарёдаги чағалай, осмондаги ой, тоғдаги қарағай, севимли машғулоти – балиқ ови ёки кулбаси яқинидаги бир парча ерга ишлов бериш – уларнинг дўстларига айланган[16]. Кўриниб туридики, шоирлар саройнинг шоҳона ҳаётидан кўра, оддий табиат қўйнида бўлишни афзал кўраяпдилар ҳамда ҳаммани шу оддий ҳаётга тарғиб қилганлар. “Сичжо” жанри XV асрларда пайдо бўлиб бошлаган бўлса, XVI-XVIII асрларда жуда ривожланиб, равнақ топган.

ХУЛОСАЛАР

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Корея тарихига назар ташланса, XV аср миллий маданиятининг энг юқори гуллаш даври ҳисобланиб, бу даврда аниқ фанлардан астрономия, география ва табиатшунослик фанлари жуда ривожланган.

Сичжо икки иероглифдан иборат бўлиб, биринчиси “時 시”- “вақт”, иккинчиси “調 조” – жой деган маънони англатиб, ўрин ва вақт учун уч мисрадан иборат бўлган қўшиққа монанд шеър жанридир.

Сичжо мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этилгани боис, у асарга ифода, жозиба бера олган. Сичжо шеъриятида инсон ва табиат, жамият ва табиат икки ажралмас оламга айланган.

Бу даврда оддий шоирлар билан бир қаторда асли йирик давлат арбоби, саркардалар ҳам “Сичжо” жанрида ижод қилганлар. Улардан Ким Чон Со, Нам И, Ли Сун Синларни келтириш мумкин.

“Сичжо” жанри тажриба образига эга лирик жанр ҳисобланиб, у корейс фольклор анъаналарини ҳамда Узоқ Шарқ халқларининг учта диний-фалсафий таълимоти (Конфуцийлик, Буддавийлик ва Даосизм)ни ўзида мужассамлаштирган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Андронова Л.А. Культура Кореи. Ч.1. Томск: Изд-во Томского политехнического университета.2014
2. Баранников В.Д. Хрестоматия по литературе. М. 1996,с.250
3. Жовтис А.Л., Пак Ир П.А. Корейские шестистишия (сборник стихов корейских поэтов XIII-XIX веков). – Алма-Ата, 1956. с. 148
4. Никитина М. И. Древняя Корейская поэзия в связи с ритуалом и мифом // М: Изд-во “Наука” – 1982. – 328с; Корейская поэзия XVI-XIX вв. в жанре сиджо: (Семантическая структура жанра. Образ. Пространство. Время). – СПб.: Центр «Петербургское Востоковедение», 1994. 312 с.
5. Корнеева И. В. Представления об образовании и учености в корейской литературе периода Чосон: 1392-1910. Автореф. дис. ...кан. фил. наук. – М.,2009
6. Курбанов С.О. История Кореи с Древности до начала XXI в. [Электронный ресурс].

[16] В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак.Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010. – Б. 84-85.

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

7. В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак.Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010. – 192 б., Ким В.Н., Пак И.Л., Сайдазимова У.Т. Литература страны изучаемого языка (Корея): учебное пособие. - Ташкент, 2009.

8. Солдатова М.В. Становление национальной поэзии в Корее в первой четверти XX века. Владивосток: ДВГУ, 2004.-188 с.

9. Тихонов В.М. История Кореи. Т. 1. С древнейших времён до 1876 года. – М: Муравей, 2003, с. 373.

10.http://www.sjhik.com/technote/board.php?board=S02&page=9&sort=hit&command=body&no=168&PHPSESSID=4caae87e8e7784c17c7a9ce17c56d62f

11. https://www.joongang.co.kr/amparticle/20016273

WORDLY
KNOWLEDGE